



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 50 (823)  
2022 йил  
22 декабрь,  
Пайшанба



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@ jamiyatgzt@mail.ru

[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

## ДИЛДАГИ ИСТАКЛАР ТИЛГА ОЛИНДИ

Президентимиз нутқида зикр этилган ташаббуслар мамлакат ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, кўплаб соҳаларни қамраб олади. Қолаверса, қайси соҳа тилга олинмасин, албатта, кенг таҳлил, муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари ва аниқ вазифалар белгилаб берилиши билан диққат-эътиборимни тортди.

(Давоми 2-саҳифада)



## ЖАВОБ ҚАЙТАРИШГА УСТАСИЗ АММО НАТИЖАГАЧИ?

Аввалдан шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундан бўлади. Қачонки, жойлардаги ҳокимликларда ишловчи амалдорлар, қатор соҳа ходимлари ҳамда одамларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганиш, ечим топиб, уларни бартараф этиши мақсадида тайинланган, аммо дардини айтиши учун келганларга мужсал жавоб берииши билангина чекланиб, кимларгадир топширик бергандек бўлиб, ўзини олиб қочадиган мутасаддиларимиз ўзгармагунча.

Тан олиб айтишимиз керак, сўнгги вақтларда анча нарса ўзгарди. Бир вақтлар қабулига ёзилиб, хафталашиб, ойлаб хаттоки ярим йиллаб навбатда турсак ҳам бир маротаба бўлса-да, соясини кўрсатмайдиган Фалончи Писмадончиевларимиз халқнинг ичига кириб боришни, уларни эшитишни ўрганди.

Бунинг натижасида эса халқнинг реал ҳаётидан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни ҳатто жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имконияти пайдо бўлди.

(Давоми 3-саҳифада)

## Боланинг ривожланиши учун қаер яхши: УЙМИ ЁКИ БОҒЧА?

Беш ёшар қизимнинг илтимоси билан йўл четидаги болалар майдончасига кирдик. Эътиборимни тортган нарса, қизим у ердаги 3-4 нафар бола билан тез тил топишиб, бирга ўйнай бошлиди. Фақат бир бола ўзини четга олар, ўйинчоқларига тегинганларни қувиб соларди. Фарзандини сайрга олиб чиққанлардан сўраб билсан, бу бўшлар чамасидаги бола аслида кўчага ҳам кам чиқаркан, “Ота-онаси тилаб олган, авайлаб боғчага ҳам бершишмайди уни”, деб вазиятни тушунтиришиди менга. Қизимнинг айтишича, болалар у болага “ёввойи”, деблақаб қўйшишибди.

Ёввойи бола. Буни ўқиб хаёлингизда ўрмонда, ёввойи ҳайвонлар ичida улгайган, инсонларга хос хислату фазилатлардан мосуву мультфильм қаҳрамони – Маугли гавдаланди, шундайми? Аслида бу атама бугун тиббиётда ҳам бор. Фақат энди “Маугли” бўлиш учун

ўрмондан чикиш шарт эмас, яшаб турган жамиятида ўзини бегона ҳис киладиган, жамоавийлика ўрганмаган, бир сўз билан айтганда, ижтимоийлашмаган болалар тиббиётда шундай аталади. Улар ўз хаёлий оламида яшайди, атрофида бўлаётган воея -ходисаларга жуда таъсирчан бўлиб қолади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, боланинг мактабгача даврда ижтимоийлашуви жуда

муҳим хисобланади. Ҳаётининг айнан шу босқичида улар мулокотга киришишни, тўғри фикрлашни ва бошқаларнинг фикрини хурмат қилишни ўрганади. Албатта, бу жараён уйда, телевизор қаршисида содир бўлмайди, балки жамоада, тенгдошлар билан мулокот давомида шаклланади. Боғчаларнинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда. Улар факатгина болага энагалик қилувчи муассаса эмас, балки шахс, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тарбиялайдиган маскан ҳисоб

ланади. Хўш, бугун боғчаларимиз бу масъулиятли вазифани бажара оляптими? Боғчага борган бола билан бормаган боланинг қандай фарқи бор? Тойлоқ тумани мисолида ҳолатни таҳлил қилдик.

Аввал баъзи рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Маълумотларга кўра, туманда айни кунда 188 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Шундан 44 таси давлат, 138 таси оиласи, 4 таси давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда 2 таси хусусий боғча. 50 та маҳалланинг 17 тасида давлат боғчалари мавжуд эмас. Оиласибоғчаларнинг асосий қисми ана шу худудларга тўғри келади. Ҳар бир оиласибоғчада 25 нафардан 50 нафаргача бола тарбияланади.

– Болаларнинг боғчаларга камрови тизимли ошириб борилмоқда, – дейди туман мактабгача таълим бўлими шуъба мудири Жавод Расулов. – Мисол учун, ўтган йили кўрсаткич 71 фоиз эди. Жорий йил 3-7 ёшли болалар сони 18102 нафарни ташкил этган ҳолда, уларнинг 13468 нафари, яъни 80 фоизи боғчага қамраб олинди. Яқин бир-икки йил ичida ҳудудда боғчалар билан боғлиқ муаммо қолмайди.

(Давоми 8-саҳифада)



# ДИЛДАГИ ИСТАКЛАР ТИЛГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси барчамида катта қизиқини уйғотди. Мазкур нутқининг кўлами ва кўзланган мақсадларига кўра узоқмуддатга мўлжалланган дастур билан қиёслаши мумкин. Унинг ҳаётда татбиқ этилиши эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадал суръатда давом эттириши учун имконият беради.

Президентимиз нутқида зикр этилган ташаббуслар мамлакат ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, кўплаб соҳаларни қамраб олади. Қолаверса, қайси соҳа тилга олинмасин, албатта, кенг таҳлил, муаммолар, уларни ҳал қилиш ўйлари ва аниқ вазифалар белгилаб берилиши билан диққат-эътиборимни тортди. Ўзбекистон раҳбарининг халқимизни ўйлантириб келаётган энергетика соҳасига қаратган эътибори, тизимдаги муаммолар, уларни ечиш ва муқобил энергияни ривожлантириш борасидаги фикрлари ҳаммамизни мамнун қилди.

Тан олиш керак, кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестация киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани, тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолгани, сўнгги олти йилда аҳоли сони 12 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробарга ортиб, 45 мингдан 100

мингтага кўпайгани айрим ҳолларда электр куввати ва табиий газ такчиллигини юзага келтириди. Электр энергиясига талаб камиди 35 фоизга ошиди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари мана шундай шароитда иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун, энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция кераклигини таъкидлади. Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган хафтада Бухоро, Намangan ва Хоразмда куввати 500 мегаватти яна 3 та қўёш станцияларини қуриш бўйича танлов якунланди, — деди Президент.

Энг муҳим масала — энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш. Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан икки баробар юқори. Шунинг учун, Президентимиз энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастурни қабул қилиш ҳақида гапириди. Бу

енергетика соҳасида эркин бозорга ўтилишини ҳам англатади. Агар эркин бозорга ўтилмаса, бу соҳага инвестор келмаслигини англатади.

Ахолини узлуксиз энергия билан таъминлаш масаласи ҳам Мурожаатномада батафсил кўрсатилди. Уй, ишхона, бофча, мактаб ва кўчаларда одамларга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашни ўргатиш керак. Яъни жамиятда тежамкорлик маданиятини шакллантиришимиз талаб этилади. Иккинчидан, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалиқ, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун минг мегаватти қўёш электр станцияларини ўрнатса, йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали, Тошкент вилоятининг карийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалади. Шу билан бирга, республиканинг ҳар бир туман

ва шаҳар ҳокимига ўз худудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттили қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириш топшириги берилди.

Бухоро, Жizzах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қўёш ва шамол электр станциялари ҳисобига хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди. Қолаверса, келаси уч йилда барча давлат ташкилотларида қўёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар микдорида инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобига, уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли “яшил энергия”га ўтказилади. Аҳоли хонадонларида эса, қўёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробарга кўпайтиради.

Хуллас, Президентимиз Мурожаатномасида долзарб вазифалар, янги гоялар илгари сурилди. Янгина қараш, янги ғоя ва янги режаларгина давлатнинг истиқболига, ватан равнақи ва халқимизнинг фаровонлигига даҳлор харакатларни, амалий натижаларни белгилаб бериши аниқ.

**Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,  
Олий Мажлис Конунчилик  
палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси**



## ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИГА ИШОНЧ ОРТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини кўпчилик интиқлиқ билан күтди. Чунки унда янграйдиган гаплар нафақат депутат ва сенаторлар, балки бутун халқимизга тааллуқли бўлишини барча бирдек ҳис этиб турганди.

Мурожаатнома билан бевосита танишган ҳар бир инсон ундан ўзига хос таассуротга эга бўлди, ўринли хulosалар чиқара олди. Шахсан мени кутонтирсан жиҳати — Мурожаатномада таълим ва тарбия мавзуси энг устувор вазифалардан бири сифатида тилга олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифи билан мамлакатимизда 2023 йил юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб номланиши қалбимизни жунбушга келтириди. Бинобарин, инсон қадрига эътиборсиз ва илм-маърифат ривожисиз юрт тараққиётiga эришиб бўлмаслиги айни ҳакиқатdir. Ахир илм саодатга элтувчи йўлди. Айни пайтда таълимга киритилган инвестиция келажакка сармоя киритишdir. Бу эса халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омилdir.

Мурожаатномада таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалалари кўрсатиб ўтилди. Биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-куватлашга қаратилиши таъкидланди. Ўқитувчilarнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини химоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Келаси йилдан бошлангич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиши ўйлга қўйилади. Президент таъкидлаганидек, болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз, ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот қўникмаларини шакллантириш зарур. Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланади.

Келаси йили 70 та янги мактаб курилади, 460 таси кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштироқида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси бошланади, келаси беш йилда уларнинг сони 1000 тага етказилади. Коракалпогистон ва Хоразмда йўйла қўйилган бошлангич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш амалиёти келаси ўқув йилидан ушбу қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиши халқимиз кайфиятини кўтаргани аниқ.

Шунингдек, 700 дан ортиқ касб-хунар макtabи, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлиги тилга олинди. Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амал-

га оширилади. Яъни, ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Евropa касбий таълим стандартлари жорий этилади. Мактаббагча таълимда боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Бофча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шаротитлар яратилади. Бу билан фарзандларимиз болалиқдан билим олиши, жамоатчиликка мослашиш қўникмалари аста-секин шаклланишига эришамиз. Зоро, ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақшdir.

Мурожаатномада ўқитувчilar, педагоглар меҳнати, заҳмати алоҳида тилга олинди. Уларнинг тажрибасини ошириш, эл-юрт орасида обрўсини юксалтириш, даромадларини кўпайтириш лозимлиги уқтирилди. Ҳақ гап! Давлат равнақи, халқ баркамоллигини кафолатлаш учун соҳани ислоҳ этиш, касб вакиллари мақомини кўтариш мухим масала.

Мурожаатномада ўзимиз учун кўплаб вазифалар белгилаб олдик. Ундаги айрим масалалар қалбимиздаги истак бўлиб, халқимиз гувоҳ бўлиб турган ислоҳотларнинг давомийлигидан хушхабар берса, маъruzada кўтарилиган баъзи фикрлар биз учун мутлақо янгилик сифатида янгради ҳамда фаолиятимизга янгича руҳ бағишилади.

**Дилором ИМОМОВА,  
Олий Мажлис Конунчилик  
палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси**

(Боши 1-саҳифада)

Кисқача айтгандан, ҳалқ ичига кириб борилди. Одамларнинг дардлари, аллақачон ҳал қилиниши мумкин бўлган-у, лекин тўрачилик, ўзибўларчилик оқибатида йиллар давомида ечишмай келган муаммолар юзага чиқа бошлади. Энг муҳими, одамлар дардларини айтиши, каттаю кичик идоралар раҳбарлари билан юзма-юз гаплашиши, муаммоларига киска фурсатда ечим топиши учун кулай имконият юзага келди.

Президентимизнинг “Раҳбарлар халқнинг хизматкори бўлиши зарур”, “Асосий мақсадимиз – ҳалқ роҳилиги, ҳалқ биздан рози бўлса, иши мизда унум ва барака бўлади”, деган қатъий талаблари амалда ўз ифодасини кўрсатди.

Бироқ шундай бўлса-да, нима учун баъзи юртдошларимизда давлатдан норозилик, давлатнинг айрим ташкилотларига ёки ҳокимликларга қилган мурожаатлари бўйича берилган жавоблардан қониқмаслик кайфияти сақланиб турибди? Негаки, одамлар билан ҳалқона гаплашиш, мавжуд қонун-коидалар ҳамда давлат томонидан белгиланган режа ва мақсадларни содда тилда шархлаб тушунтириш, улар билан муросага келишиш йулини тутиш ҳалигача айрим давлат ходимлари томонидан тўғри йўлга қўйилмаган. Бу қусур эса икки ўргада тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Тахриритимизга ариза билан мурожаат қилган Жizzah вилояти, Жizzah шаҳри, Олмазор маҳалласи, Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар билан маҳаллий ҳокимият ўртасида ҳам айнан мана шундай камчиликка йўл қўйилган.

Сўзимизни аниқроқ давом эттирадиган бўлсақ, юқоридаги манзилда яшовчи фуқаролар томонидан ўзлари яшаб келаётган кўчанинг ҳолати ёмон бўлганлиги яъни, иссиқ кунларда чанг-тўзон, ёнгарчиликлар вақтида эса лой ва сув кўлмаклари ҳосил бўлиб, ҳаракатланиш учун мураккаб нокулайликлар туғдирив келаётгани боис Жizzah шаҳар ҳокимлигига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жizzah шаҳрида жойлашган ҳалқ қабулхонасига ҳамда мазкур маҳаллага биритирилган 3-сектор раҳбари, Жizzah шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлигига 2020 йилдан бўён бу муаммони бартараф этиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилиб келинади.

Аммо мана икки йил бўлибдики, Жizzah вилояти Ички ишлар бошқармасидан ҳар гал “Сизнинг ички ўйларга бетон-асфалт ётқизиб берилишида амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаатингиз Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуннинг 25-моддасига асосан тегишилик жиҳатидан Жizzah шаҳар ҳокимиға қонуний ҳал этиш учун юборилди ҳамда мазкур мурожаатнинг ижобий ҳал этили-

ши бўйича вилоят 3-сектор штабининг алоҳида назорати ўрнатилди” дейилган. Жizzah шаҳар ҳокимлигининг эса “Олмазор маҳалласи Ибн Сино кўчаси маҳаллий бюджетнинг чораклар якуни билан ҳосил бўладиган даромадлар режасининг ошириб

ди, деб айтилгандир. Аммо турли вазиятлар юзага келиб қолиши мумкин. Масалан, чораклар якуни ҳокимлик режасидан фарқ қилиши, натижада эса кутилган баъзи бир ишлар ортга суримиши табиий. Менимча буни тўғри қабул қилиш керак.



бажарилган қисми ҳисобидан “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКга таклиф берилганини мавжум қиласиз” дейилган бир хил мазмундаги жавоб хатлари қайtarilaveradi.

Аввалига биз ҳам бу гаплар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини билиш учун фуқаролар томонидан таҳририятга тақдим этилган юқоридагидек мазмунни ифодаловчи бир қанча жавоб хатлари орасидан Жizzah шаҳар ҳокимлиги томонидан юборилган жавоб хатларини бир-бiri билан солишириб кўрдик. Буни қарангки, ростдан ҳам 2020 йил 2 деқабрдаги жавоб хатида ҳам айнан бир хил сўзлар нукта вергулигача тақорланганинг гувоҳи бўлдик.

Масалага ойдинлик киритиш максадида Жizzah шаҳар ҳокимининг ахборот хизмати раҳбари Хуршиданбону Раҳимовага кўнгироқ қилганимизда эса у киши ўта содда тарзда вазиятни тушунтира кетди:

— Шаҳримизда таъмирталаб кўчалар сони кўп. Таъмирлаш эса шароити ўта оғир кўчалардан бошланган. Тўғри, Олмазор маҳалласидаги Ибн Сино кўчасининг ҳам ҳолати кўнгилдагидек эмас, лекин ундан ҳам баттарроқ кўчалар бор. Навбатма-навбат ҳаммаси таъмирланиб келинмоқда. Насиб этса, бу кўча ҳам албатта тузатилади.

Ахборот хизмати раҳбарининг бу сўзлари тушунарли, бироқ, фуқароларга берилган жавоб хатларида йўл таъмири мана бу йилнинг мана бу чорагида бўлади, деб аниқ саналар ҳам келтирилган. Кўриб турганимиздек, икки йил бўлибди ҳамки хеч қандай ҳаракатдан нишон йўқ.

Бизнинг бу саволимизга ҳам Ахборот хизмати раҳбари Хуршиданбону Раҳимова ўз муносабатини билдириб ўтди:

— Тўғри, жавоб хатларида таъмирлаш ишлари қайсирид ҷордада бўла-

ди, деб айтилгандир. Аммо турли вазиятлар юзага келиб қолиши мумкин. Масалан, чораклар якуни ҳокимлик режасидан фарқ қилиши, натижада эса кутилган баъзи бир ишлар ортга суримиши табиий. Менимча буни тўғри қабул қилиш керак.

### Шаҳримизда таъмирталаб кўчалар сони кўп.

Таъмирлаш бўлса шароити ўта оғир кўчалардан бошланган. Тўғри, Олмазор маҳалласидаги Ибн Сино кўчасининг ҳам ҳолати кўнгилдагидек эмас, лекин ундан ҳам баттарроқ кўчалар бор. Навбатма-навбат ҳаммаси таъмирланиб келинмоқда. Насиб этса, бу кўча ҳам албатта тузатилади.

Модомики, шундай экан ҳам дейлик, аммо нима сабабдан бу гаплар мурожаат қилган фуқароларга айтилмаган? Ахир улар бир неча маротаба ўз оёқлари билан ёрдам сўраб келишган эди-ку. Нима учун уларга мана шундай атрофлича тушунтириш берилмай, факат “шаблон” гаплар қайtarilaverган? Бундай ҳолатда ҳар қандай эс-хушли одам ўзига нисбатан менсимай қаралаётганини ҳис килиши табиий-ку.

Ўзи ростдан ҳам бу кўчадан аввалроқ таъмирланган “Наврӯз” ва Собир Раҳимов кўчаларининг ҳолати Ибн Сино кўчасиникидан абгоррок эдими? Мана, 2022 йил ҳам якунланмоқда, Ибн Сино кўчаси энди янги йилнинг қайси чорагида таъмирланар экан? Ўзи бу кўча янги йилда таъмирланармикан ёки янгича хат келармикан? Менимча жавоб ҳам тайин. Чораклар якунига қаралади.

Ибн Сино кўчаси 98-йда яшовчи Суннатилла Ботиров ўтган икки йил вақт давомида ушбу кўча ҳолатини ўрганиш учун бир неча маротаба турли мутасаддилар келиб кетишгани ва ҳаммалари юқоридаги жавоб хатларида ёзилгани каби бир хил гапни айтиб, қуруқ ваъда билангина чекланишаётганини билдири. Унинг қўшимча қилишича, ушбу кўча аҳли ортиқ таъмирлаш ишларини кутмай ҳам қўйишган. Ишончлари буткул сўнган.

Ҳокимликнинг ахборот хизмати раҳбари билан бўлган сухбатимизда ўтган икки йил давомида қайси кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилгани ва бу ишлар бўйича тай-

ёрланган маълумотларни сўраганимизда интернет орқали юборишини маълум килди. Аммо орадан хафталар ўтди, бу маълумотлар етиб келмади.

Шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси билан ҳам боғланиб, Ибн Сино кўчасининг таъмири нима учун ортга суреб келинаётгани ҳамда кириб келаётган янги 2023 йилда бу ишлар режалаштирилган ёки режалаштирилмагани ҳакида сўрашни мақсад қилгандик, уринишларимиз бесамар кетди. Ҳарқанча ҳаракат қилмайлик, хизмат телефонлари билан боғлана олмадик. Ташкилот раҳбарининг кўл телефони рақамини эса ҳокимликнинг ахборот хизмати раҳбари беришни истамади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳокимликларда ва бошқа жамоат ташкилотларида фолият юритувчи ходимлар фуқаролар билан тўғри ишлашни ўрганмас

экан, ривожланиш бўлмайди. Қайтанга мана шундай ходимлар сабаб ҳалқ бир томон, давлат бир томон бўлиб қолаверади. Қайсирид амалдорларнинг ишламаслиги, ўз ишига нисбатан масъулиятсизлиги ҳамда ҳалқнинг олдида хисобдор эканини унутиши яхшиликка олиб келмайди.

Ибн Сино кўчаси фуқаролари билан бўлган бу ҳолатни кузатиб барчада ҳақли бир савол туғилиши табиий. Мурожаатни қабул қилган жой унга бир хил бўлса-да жавоб беришга уста экан. Шунисига ҳам шукр. Аммо натижани ким кўрсатади?

Ахир ана бўлади, мана бўлади деган гаплар билан икки йил ўтиб кетиби. Ёки санани ўзгартирган холда ўша хатларни қайtarish давом этадими яна?

Тегишли мутасаддилар янги йилда бунга етарлича эътибор қаратиб, муаммони бартараф этилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз.

Шу ўринда давлатнинг барча хизматчилари қуйидагиларни яна бир бор чукур англаб олиши зарур деб ўйлайман: Бугун мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг замирида “Нима қилсан одамларимизнинг ташвиши камаяди, уларга кулай бўлади?” деган жиддий савол туради. Ана шу янгилик ва ислоҳотларнинг барчаси одамларни кўпдан бери қийнаб келган муаммоларни бартараф этиш, уларни бугунги ҳаётдан мамнун этиб, эртаниги кунга бўлган ишончини амалда мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ**



# ЭНГ ҚАДРЛИ БОЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар ўз ечимини топмоқда.

Шу эзгу гояга мувофиқ амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараённида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Зеро, тил ҳар бир миллатнинг энг қадрли бойлиги, унинг маънавий қиёфаси, маданияти, ички дунёсини акс эттирувчи муҳим воситадир.

Алихонтўра Соғуний она тилимиз ҳақида куюнчаклик билан “Шундок бўлиб ўз она тилидан ажрамоқлик, миллий хиссиятларини йўқотиш натижасидир. Бу иш эса инсоният олами олдида улуғ хиёнат, кечирилмас жиноят ҳисобланади. Бундай бўлди демак, улуғ Туркистон улуси Турон насли босқинчилар тилагича, курбон бўлган ҳолда инқирозга учраб, Аллоҳ сақласин, тарих саҳифаларида шон шарафлик ном нишонлари ўчирилади демақдир”, - дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

Тил масаласи орадан шунча фуррат ўтишига қарамай ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда. Бугунги кунда она тилимизни асрар-авайлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш, тил сиёсатининг энг қуий бўғинларгача етиб боришини таъминлаш мақсадида вазирлик, идора ҳамда ҳўжалик бирлашмаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича раҳбар ўринбосарига тенглаштирилган маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Хусусан, “Ўзқимёсаноат” акциядорлик жамиятида ҳам ушбу лавозим жорий этилган.

Дарҳақиқат, она тилимизга доимий равищаға ғамхўрлик қилиш, уни қайта-қайта сайқаллаб бориши зарур. Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 январдаги 34-сон қарорида белгиланган вазифалар ижро-сими самарали таъминлаш мақсадида “Ўзқимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 7 та корхонанада: “Навоийазот” АЖ, “Фарғона-азот” АЖ, “Максам-Чирчик” АЖ, “Аммофос-Максам” АЖ, “Дехқонбод калий заводи” АЖ, “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖ ва “Қизилқум фосфорит комплекси” масъулияти чекланган жамиятларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси лавозими жорий этилди ва ушбу лавозимга танлов асосида саралangan ходимлар тайинланди. Ушбу бошқарув раиси маслаҳатчilari корхоналарда давлат тилини ривожлантириш бўйича амалга оширилиши белгиланган тадбирлар режасига кўра фаолият

олиб бормоқда. Шунингдек, тармоқ ташкилотлари маслаҳатчilari корхоналари раҳбарларининг, кўп минг сонли ишчи-ходимларнинг давлат тили бўйича малакасини ошириш, иш юритвидаги барча ҳужжатларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишни таъминлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

Бугунги кунда яна учта тармоқ корхона: “Қўнгирот сода заводи” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси, “Ўзқимёимпекс” масъулияти чекланган жамияти, “Ўзқимёсаноатлойиҳа” акциядорлик жамиятида номзодларни танлов асосида саралаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу корхоналарнинг расмий веб-сайтларига номзодлар зарурлиги тўғрисида эълонлар жойлаштирилган. Ушбу лавозимларни очишдан мақсад белгиланган вазифаларнинг ижросини қуий бўғинларда ҳам самарали таъминлашдан иборат. Кўзлаган асосий мақсадимиз: корхоналarda турли миллат вакиллари ахил-инок, бир оила каби меҳнат килишини ҳисобга олиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини тўлиқ таъминлашдир.

Шунингдек, марказий аппаратда ҳамда тармоқ корхоналарида барча мөъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қайта кўрибчиқилиб, уларни давлаттилига таржима қилиш ишлари амалга оширилди. “Ўзқимёсаноат” АЖ ижро аппаратида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида расмийлаштирилган хат-ҳужжатлар таҳлил қилинди. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юборилган чиқиш хатлари, тармоқ корхоналарига юборилган хабарнома ва топшириқ хатлари, асосий фаолиятга оид, ички хизмат сафарига, хорижий давлатларга хизмат сафарига оид буйруқлар давлат тилида расмийлаштирилди. Шу билан биргаликда, хизмат хатлари, ўтказилган йигилиш баённомалари, бошқарув раисининг фармойишлари давлат тилида ёзилиши таъминланди. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 445-сон Конунига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига давлат тилида жавоб хати юборилди.

Давлат тилида иш юритиш сифатини ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиши

тиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида “Ўзқимёсаноат” АЖ марказий аппаратида ва тармоқ корхоналарида 2022 йил учун тасдиқланган режага асосан 500 дан ортиқ ходим малака ошириди, йил якунiga қадар 690 нафар ходим малака ошириши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида эълон килинган лойиҳалар танловининг 44 турида филология, педагогика ва психология фанлари йўналиши бўйича “Кимё атамаларининг изохли луғатини яратиш” мавзусида бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови доирасида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг тилшунос олимлари, “Ўзқимёсаноат” АЖ ходимлари ва кимё соҳаси мутахассислардан иборат илмий жамоа томонидан амалий лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа натижалари кимё саноатига оид атамаларни давлат тилида ягона шаклда кўллаш, соҳа учун кўлланмалар, техник регламент, касб стандартлари, йўриқнома ва бошқа илмий-техник ҳужжатларни давлаттилида сифатли ишлаб чиқилишига хизмат қиласди.

Шу ўринда, биринчи ўзбек кимёгар олимаси Зарифа Сайдносированинг “Ойбегим менинг” китобида ёзиб қолдирган хотираларини эслаш ўринли: “Мен 1930 йилдан бошлаб, ўрта мактаблар учун кимёдан дарслик ёзишни ўйлай бошладим. Бунинг учун энг аввал кимё атамаларини ишлаб чиқиш керак эди. Шунинг учун мен атамалар билан шуғулана бошладим ва айни замонда дарслик ёзишга ҳам ҳозирлик кўрдим. Рабфаклар ва техникумлар учун ёздигим “Анорганик кимё” дарслиги босилиб чиқди. Ҳажми 18 босма тобоқ бўлиб, лотин ҳарфи ила чоп этилган. Бу кимё фанидан ўзбек тилида чоп этилган биринчи дарслик эди”. Олимга томонидан амалга оширилган ишлар тахсинга сазовор, албатта. “Кимё атамаларининг изохли луғати”ни яратишда ушбу тажрибалардан, албатта, самарали фойдаланамиз.

Қолаверса, жамият марказий аппаратида ҳамда тармоқ корхоналарда ташқи ёзувлар, лавҳалар, эълонлар, рекламаларнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари та-



лабларига қатъий мос бўлишини таъминлаш чоралари кўрилди. Ходимларнинг саводхонлик даражасини баҳолаш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида компьютер дастурларида тез ва тўғри ёзиш малакасини шакллантириш максадида “Тез ёз, тўғри ёз” танловлари ташкил этилди. Шонли саналар муносабати билан ташкил этилган тадбирларда ходимларнинг малакасини янада ошириш мақсадида “Энг яхши эссе” танловларини ташкиллаштириш анъанага айланди. Эсселар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилиши қатъий тарзда белгиланган.

21 октябр – Ўзбек тили байрами муносабати билан “Ўзқимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида “Китобхон ходим – 2022” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Жамиятнинг тармоқ корхоналари ва ташкилотларида бўлиб ўтган беллашувларда голиб бўлган 8 нафар китобхон ходимлар иштирок этган финал босқичи 3 та шартдан иборат бўлди. Айнан 3-шартда иштирокчилардан ўzlари севиб мутолаа қиласди асарлари ҳақида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида имловий, пунктуацион, услубий хатоларсиз аннотация ёзиб беришлари талаб қиласди.

Бу каби кўрик-танловлар “Ўзқимёсаноат” АЖ тизимида мунтазам равищаға ўтказиб келинади. “Китобхон ходим” танлови ҳам ҳар йили ўтказилиши белгиланган.

Мазкур амалга оширилган ишлар юксак қадрланиб, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини янада ошириш, уни миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш ҳамда давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда мақсадида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 33 йиллиги ҳамда Ўзбек тили байрами муносабати билан “Қадринг баланд

бўлсин, она тилим” республика танловида “Ўзкимёсаноат” АЖ иккинчи йўналиш – “Давлат тилида иш юритиши йўлга қўйилган энг яхши тизим” сифатида вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари орасида фахрли 2-ўринни эгаллади. “Ўзкимёсаноат” АЖга диплом, эсадалик совғалари, шунингдек, 20 миллион сўм пул мукофоти топширилди.

Кувонарлиси, “Фаргонаазот” АЖ алоқа цехи бошлиги Владимиевич Олег Здобников ўзбек тилига бўлган чексиз хурмати ва меҳри учун Вазирлар Махкамасининг махсус фахрий ёрлиги хамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарида давлат тилида иш юритиши бўйича маслаҳатчилар, матбуот котиблари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар бошлангич ташкилоти раислари фаолиятини ўрганиш ва та-

жриба алмашиш мақсадида доимий равишда сайёр семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, семинарлар доирасида тармоқ корхоналари бошқарув раислари маслаҳатчилари фаолияти натижалари, амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхтабиб ўтилди. Йўл қўйилган камчилик ва хатолар бирма-бир кўрсатилиб, таклиф ва ечимлар берилди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган тақдимотларда тармоқ корхоналари маслаҳатчиларига йўл-йўриклар кўрсатилди.

Биз, маслаҳатчилар фаолиятимиз давомида турли ноаникликларга ҳам дуч келамиз. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридиш шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига биноан мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбе-

кистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасида “Ўзбекистон Республикаси худудида яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади”, дейилган. Энди ётибор берайлик, «давлат тилида ва бошқа тилларда» дейилса, давлат тилида мурожаат қилиш ўзининг қатъийлигини йўқотади ва бу эса, ўз навбатида, тилимизнинг обўсига пурт етказади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, она тилимизнинг чинакам жонкуяри Эркин Воҳидов “Сўзлатофати” асарида таъкидлайди: “Она тили умуммиллат мулкидир, демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили

учун қайғурмоги керак. Унтилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносаб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир”. Ушбу фикрлар ҳар биримизни она тилимизни севишга, унинг ривожланиши учун ўз соҳамиз бўйича оз бўлсада хисса қўшишга унрайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ташкилот ва идора, ҳар бир тизимда давлат тили тўғрисидаги конун хужжатларига ҳурмат билан қаралса, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва обўси кундан кунга юксалиб бораверади. Бу йўлда бор куч-ғайратимиз ҳамда билимимизни сарфлашга тайёрмиз.

**Санобар АБДУРАҲМАНОВА**  
“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси маслаҳатчиси

## Таассуф

# “ҲАР ДОИМГИДЕК”

2022 йилда дунёning бир нечта давлат ва унинг халқлари кўп мусибатларга учради. Ёнма-ён, қондош-қариндош бўлиб келган халқларнинг корчалонлари тарихни ковлаб, ер талашиб, миллатлар ўртасида келишимовчиликларга, норозиликларга олиб борди. Бунинг оқибатида қўшини давлат халқлари бир-бирлари билан душманга айланшилоқда. Баъзиларининг ўртасида ҳануз уруши кетмоқда.

Юртимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг гузони кўриб, оқида олиб бораётган сиёсатидан Ўзбекистонимизда, хонадонимиз, оиласизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда.

Хадемай 2022 йил кетиб, Янги – 2023 йил ҳам кириб келаяпти. Юртимизнинг исталган шаҳар ва туманларида юарар экансиз, турли миллат вакилларининг дўст-бирордада бўлиб, эртанги кунига ишонч билан аҳил яшаётганлигини кўрасан киши. Мар-



да Чирчиқ шаҳрига йўл олдик. Чирчиқ шаҳрига борганимизда биринчи бўлиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг сиймосини зиёрат



каз кўчаларида олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, арчаларнинг ясатилиши шаҳарнинг кўркига кўрк, файзига файз қўшилмоқда. Арча атрофида ўйнаб юрган жажжи болажонларни кўриб шу-кроналар келтирасан.

15 декабрда Чирчиқ шаҳридаги жамоатчи фаолларимиздан бири қўнғироқ қилиб қолди. Гап орасида:

– Шаҳрингизда Янги йилга қандай тайёргарлик кетаяпти, – деб сўрадим.

– Ўн марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши, – деб жавоб берди сухбатдашимиз. Бу билан дўстимиз нима демоқчи бўлди тушунмадик ва 16 декабр-



қилишдан бошладик. Назаримда шоирнинг юзи маъюс ҳолатда эди. Навоий хиёбони атрофига турли баклашка, чиқинди, қофозлар ташланган бўлиб, ҳайкал остига терилган ноёб мармартошлар кўчганлиги, у яна таъмиртаб бўлганлиги, лекин ҳокимиётнинг мутасадди вакилларининг ётиборсизлиги бизни ажаблан-

тириди. Қачон қурувчиларимиз сифатли иш қилишни ўрганишади.

Хиёбондаги 8 та тунги ёритгичларнинг 1 таси соғ. Хиёбондан ўтиб, маҳалла кўчаларига кирдик. Навоий шоҳқўчасидаги биноларни кўриб, бу ерда сектор раҳбари юрадими-йўқми, деган савол туғилди.

Баъзи кўчаларда алмисоқдан колган тунги ёритгичлар ўрнига янгисини ўрнатиб, эскисини кўча ёқасига, дараҳтларга шакл бериб, шоҳ-шаббалари аҳоли яшайдиган, юрадиган йўлларга ташлаб кетганликларини, спиртли ичимликлар сотадиган дўконлар атрофидаги кўчаларда 3 та – 3 та бўлиб, маза қилиб ўтирган улфатларни кўрдик. Ҳар жойда улардан колган “ашёвий далиллар”ни суратга туширдик.

“Ўлкашунослик” кўchasидаги 5 та манзарали дараҳтни аёвсиз синдириб кетганлигини кўриб, яшавор “экология” дедик. Ўзбекистонда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича иш олиб борилаётган бир пайтда Чирчиқ шаҳрида қайси лойиҳа бўйича иш олиб борилаётган. Шоҳ кўчаларда юарар экансиз, аҳолидан байрам кайфиятларни сўрадик. Улар газ босими пасайиб кетганлигини, чироқлар ўчиб турганлигини, хоналар совуклигини айтишмади. Қисқа гап билан: “Ҳар доимгидек” деб қўя қолишиди.

Чирчиқ шаҳар ҳокими ва мутасадди раҳбарлари! “Жамият” газета таҳририяти ва унинг обуначилари сизлардан юқорида кўтарилиб муммо ва саволларга жавоб кутади. Шундай деймизу, газетани ўқимай қўйган ҳокимларга бу саволларимиз етиб бориши ҳам даргумон.

**Даврон АҲМАД.**  
**Муаллиф олган суратлар**



## ОЧИҚ ДАРС

Умумтаълим мактабларида мунтазам ўтказилиб келинаётган фан ойликлари таъдирлари ўқувчиларнинг фанларга, билим олишига бўлган қизиқишиларини янада оширмоқда.

Шундай очиқ дарслардан бири 16 сонли умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди. “Традиционные сувениры России и Узбекистана” мавзусида бўлиб ўтган очиқ дарсда ўқувчиларнинг эпчиллигини, чақонлигини янада оширувчи, хотирасини мустаҳкамлайдиган ноанъанавий таълим методларидан фойдаланилди.

Таъкидлаш керакки, таълим самародорлигини оширишда янги педагогик технологияларнинг кўлланилиши бу соҳада катта ютуқларга эришиш имконини беради. Замонавий педагогик технологиялар ўқувчиларда ижодкорлик, эпчиллик, топқирилик, тез фикрлай олиш қобилиятларини ривожлантиришга, ўз устида ишлаш, бир-бирини тинглаш, мустақил фикр юритиш кўникмаларининг шаклланишига кенг йўл очади.

Очиқ дарсда ўқувчилар фаолиштирок килдилар. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг рус тили фанидан олган олган билимлари мустаҳкамланиб, янги билимлар ҳосил қилинди.

**Муҳаббат ЭЛБОЕВА,**  
**Шаҳрисабз туманидаги**  
**16-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани**  
**ўқитувчisi**

Конституция халқнинг эрк-иродасини ифода этадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли унда инсон ва фуқароларнинг ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш, кафолатлаш, муҳофаза қилиши ва ҳимоялаши устувор вазифа сифатида кўрилади.

Давлатимиз раҳбари таъқидлаганидек, “Халқимизнинг хоҳиши-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиши ўтида мустаҳкам ҳуқуқий пойdevор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекёёсdir”.

# МЕҲНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, дам олиш ҳамда иш вақти ва ҳақ тўла-надиган меҳнат таътилини олиш ҳуқукларига эгалиги мустаҳкамланган.

Янги Ўзбекистонда инсон қадри-ни таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамият ҳаётида кузатилаётган ижобий ўзгаришларнинг асосий мақсадидир. Шундай бўлса-да, фуқароларнинг ижтимиий-иқтисодий соҳадаги конституциявий ҳуқукларини янада кенгайтириш, уларнинг муносаб турмуш шароити-га эга бўлишларини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқукларини Конституция ҳамда қонунчиликда такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширил-моқда.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг мақсади – ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини, улар билан бевосита боғлиқ бўлган якка меҳнат ва ижтимоий муносабатларда мувозанат ва мувофиқлини таъминлаш асосида тартибга со-лишдан иборат.

“Инсон – жамият – давлат” де-ган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаёти-мизга чукур сингдириш мақсади-да жорий йилнинг 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Прези-денти томонидан “Ўзбекистон Ре-спубликасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун им-золанди. Янги Меҳнат кодекси 2021 йил 14 октябрда Олий Мажлис Қо-нунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2022 йил 17 марта Сенат томонидан маъкулланган эди. Таъ-кидлаш жоизки, Меҳнат кодекси бир қатор янги тартиб-қоидаларни ўзи-да жамлагани билан, бугунги кунга мослаштирилгани, қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда-ги нормаларга уйғунлаштирилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Меҳнат хавфсизлигини кучайти-ришга қаратилган нормалар ўз акси-ни топган, мослаштирилган иш ре-жими деган тушунчалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси-

ни ишлаб чиқишида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар жумла-дан, Германия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия, Латвия, Эстония Япония, Жанубий Корея ҳамда МДҲ давлатлари тажрибаси чукур ўрганилгани қайд этилди.

Кодекс меҳнат ҳуқукининг айrim институтларига бағишлиланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айrim тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш ҳу-сусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқукларини химоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби янги нормаларни ўз ичига олган.

Кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланадиган дам олиш каби катор ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, иш берувчининг мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, иш берувчи мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари кўлланилишига йўл қўймаслиги, меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини таъминлаши зарурлиги ўз акси-ни топган.

Давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга

**Янги Меҳнат кодексига асосан, тўққизта ишланмайдиган байрам кунлари мавжуд. Масалан, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни дам олиш куни, яъни шанба ёки якшанбага тўғри келиб қолди. Бунда қоидага асосан, шанба ёки якшанбада назарда тутилган дам олиш куни 9 декабрга сурилади. Қайд этиш жоизки, бундай тартиб илгари мавжуд эмас эди.**

Кодексда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг асосий принциплари белгиланган. Меҳнат ҳуқукларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишини тақиқлаш, меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, меҳнат ҳуқуклари таъминланиши ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатлангани, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги каби принциплар шу-лар жумласидандир.

Ходим ва иш берувчининг ҳуқуклари ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди. Масалан, ходим меҳнатни муҳофаза қилиш та-лабларига мос келадиган иш жойига эга бўлиш, иш вақти давомийлигининг чегарасини, айrim касбларда-ги ва тоифалардаги ходимлар учун кискартирилган иш вақтини бел-гилаш, ҳар 13 ҳафталик дам олиш

жойлаштириш бўйича қўшимча ка-фолатларни таъминлайди. Бунда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қўйидагилар киради:

- 14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, шунингдек кўп болали оиласалардаги ота-оналар;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ташкилотларини, касб-хунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

- “Меҳрибонлик” уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

- Мудофаа, Ички ишлар, Фавқу-лодда вазиятлар вазирликлари, Мил-лий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидағи муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

- ногиронлиги бўлган шахслар;
- пенсияолди ёшидаги шахслар

**Жараён**


(конунда белгиланган пенсия ёшига қадар иккى йил олдин);

- жазони ижро этиши муассасала-ридан озод қилинган шахслар ёки суднинг қарорига кўра ўзига нисба-тан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўлланилган шахслар;
- одам савдосидан жабрланган-лар.

Меҳнат кодексида ходимларнинг йиллик асосий таътили муддатининг давомийлиги кўпайтирилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Амалдаги Меҳнат кодексига асосан, йиллик асосий таътил мудда-ти ўн беш иш кунини ташкил этади. Янги тартибга биноан, йиллик асо-сий меҳнат таътили давомийлиги-нинг энг кам муддати йигирма бир календарь куни этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди. Зоро Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида»ги 1970 йилги конвен-цияси 3-моддасида белгиланишича «бир йиллик иш учун бериладиган таътил миқдори ҳар қандай ҳолатда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги керак».

Шунингдек, дам олиш куни бай-рам кунига тўғри келган тақдирда, у кейинги иш кунига кўчирилади. Янги тартибга асосан, агар дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолган тақдирда, у бай-рамдан кейинги иш кунига кўчирилади. Янги Меҳнат кодексига асосан, тўққизта ишланмайдиган байрам кунлари мавжуд. Масалан, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни дам олиш куни, яъни шанба ёки якшанбага тўғри келиб қолди. Бунда қоидага асосан, шанба ёки якшанбада назарда тутилган дам олиш куни 9 декабрга сурилади. Қайд этиш жоизки, бундай тартиб илгари мавжуд эмас эди.

COVID-2019 пандемияси Ўзбеки-стонда масофавий меҳнатни қонун йўли билан тартибга солиш зарура-тини кўрсатиб берди. Янги Меҳнат кодекси асосида ахборот-телеком-муникация тармоқларидан, шу жум-ладан, интернет жаҳон ахборот тар-могидан фойдаланиш шарти билан иш берувчи ва ходим ўртасида масо-фавий меҳнат муносабатлари жорий этилиши мумкин. Масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги меҳнат шартно-маси электрон ҳужжатлар алмаши-нуви орқали тузилади.

**Файзулло МУЙДИНОВ,  
Пахтаобод туман адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси**



Қатар яшил майдонларида футбол бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Қаршиб бир ой давом этган муросасиз ва қызиқарли ўйинлар натижаларига кўра дунёнинг энг яхши футболчиси Лионель Месси сардорлигида Аргентина миллий терма жамоаси жаҳон чемпиони деган юксакунвонга учинчи бор сазовор бўлди. Аргентиналиклар 1978 ва 1986 йилларда бўлган жаҳон чемпионатларида ҳам зафар қўшишганди. Лекин бу йилги чемпионлик шукуҳи ўзгача. Чунки бу чемпионатда Месси чемпион бўлиб, Олтин кубокни боши узра кўтарди!

Футбол билимдонлари Мессининг жаҳон чемпиони бўлишини орзикб қутишаётганди. Чунки унда жаҳон чемпионлигидан бошкада хамма совринлар бор. Чемпионат арафасида Испания терма жамоаси бош мураббийи Луис Энрике шундай қанотли сўзларни айтганди: “Футболда адолат қарор топиши ва Месси жаҳон чемпиони бўлиши керак”. Бу фикрни таникли мураббий ва футболчилар ҳам кўллаб-куватлашди. Бу борада Аргентина терма жамоаси аъзоларига ҳар қанча тахсинлар айтсан арзиди. Уларнинг фикри қатъий эди: “Месси жаҳон чемпиони бўлиши учун яшил майдонда жонимизни беришга ҳам тайёрмиз”. Ҳа, улар учрашувларда жонини бериб ўйнашли ва Месси билан биргаликда ўзлари ҳам жаҳон чемпиони бўлишиди!

Месси қандай қилиб ўзгалар хурмат-эътиборни қозонди?! У футболга садоқат билан хизмат қилгани ва миллионлар ўйинини ривожлантиришга бекиёс хисса қўшгани учун десак, айни ҳақиқатни таъкидлаймиз. Лио 1987 йил 24 июнь куни Аргентинанинг Росарио шаҳрида туғилди. Болалигига даёв унинг футболдаги лаёкати яққол сезилди. Уни “Барселона” футбол мактабига олиб кетишиди. 2005 йил 1 май куни Лио “Барселона” таркибида биринчи голини киритди. Ўша йили ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан аргентиналиклар сафида ўйнади. 2008 йили эса Пекин олимпиадасида мамлакат олимпия терма жамоаси сафида ғолиб чиқди.

У “Барселона” клуби таркибида кўп карара Испания чемпионати ва кубоклари голиби бўлди, Европа чемпионлар лигасида тўрт бор, клублар ўртасида ўтказиладига жаҳон чемпионатида уч бор зафар кучди. Европада тўпуарларга бериладиган совринни олти бор кўлла гиритди. 2010/2011 мавсумида Ла лигада 50 та гол урди. 2014/2015 футбол мавсумидаги расмий ўйинларда 85 голга муаллифлик қилди. Йилнинг энг яхши футболчисига бериладиган “Олтин тўп” билан етти бор тақдирланди. Умуман “Барселона” таркибида 778 ўйин ўтказиб, 672 та гол урди, 303 та голли узатмани амалга ошириди. Биз юқорида ёзган рақамларнинг ҳаммаси рекорд саналади. Бу даврда у кўплаб совринлар билан мукофотланди.

2021 йили Бразилияда ўтган Америка кубогида ниҳоят Месси олтин медаль билан тақдирланди. Ўшайилдан у Франциянинг “ПСЖ” клубида фаолиятни давом эттиришди. Айниска, у бу мавсумни кўтаринки кайфиятда бошлади. Терма жамоаси назорат ўйинларида, Франция чемпионати ва кубоги, Европа чемпионлар лигасида кетма-кет голлар урди, голли узатмаларни амалга ошириди. Бу Мессининг Қатар чемпионатида Аргентина терма жамоасини голиблик сари бошлаб боришидан дарак эди.

Қатардаги жаҳон чемпионати ҳар доимгидай ёз ойларида эмас, куз-қиши мавсумида ўтказилди. Бу футболчиларга қийинчиликлар туғдирди. Чунки терма жамоа аъзолари Европанинг етакчи клубларида ҳар ҳафтада иккита-дан учрашувда бор кучи билан ўйнашига тўғри келди. Кўплаб футболчилар жароҳатлангани

# МЕССИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

учун терма жамоага жалб этилмади. Бошқалари жароҳат ва қаттиқ чарчоқ билан жаҳон чемпионатига келишди. Натижада жаҳон чемпионатининг дастлабки турида кутилмаган натижалар кайд этилди. Хусусан, аргентиналиклар ҳам Саудия Арабистони терма жамоасига ютказиб қўйди. Жаҳон чемпионатининг иккинчи туридан ҳаммаси жой-жойига тушди: чарчоклар кетди, жароҳатлардан фориг бўлинди.

Аргентиналиклар 2-турда Мексика, 3-турда Польша терма жамоасини 2:0 хисобида мағлубиятга учратиб, гурухда биринчи ўринни эгаллади. Нимчорак финалда австралияликларни енди – 2:1. Чорак финалда Нидерландия термасига қарши ўйинда 2:0 хисобида олдинга чиқишиди, аммо охирги дақиқаларда иккита гол ўтказиб юборишиди – 2:2. Қўшимча бўлимларда тенглик сақланиб қолди ва пенальтилар се-риясида аргентиналикларга омад кулиб бокди – 4:3. Ярим финалда Хорватия термаси тор-мор этилди – 3:0.

Учинчи ўрин учун учрашувда хорватияликлар ярим финалда францияликлардан 2:0 хисобида мағлубиятга учраган марокашликлардан устун келди – 2:1. Барча футбол муҳлису мутахассислари финал ўйинини кута бошлади. Финалда аргентиналиклар катта устунликка эришади деб ҳеч ким ўйламаган бўлса керак. Месси пенальтидан хисобни очди. Кўп ўтмай Анхел Ди Мария хисобни 2:0 кўринишига олиб келди. Шундан кейин ҳам аргентиналиклар хисобни оширишлари учун имконият бўлди. Францияликлар биринчи бўлимда Аргентина термаси дарвозасига битта ҳам аниқ зарба бера олишмади.

Иккинчи бўлим ҳам шундай тарзда давом этди. Футболдаги адолат Мессининг, Аргентинанинг шундай тарзда чемпион бўлишини истамади. Катта саҳнага Клиан Мбаппени олиб чиқди. У асосий вақтнинг охирларида аргентиналиклар дарвозасига иккита гол уриб хисобни тенглаштириди. Қўшимча бўлимда яна Месси ўзини кўрсатди – 3:2. Мбаппе жавоб кайтарди – 3:3. Адолат юзасидан айтишимиз лозим, қўшимча бўлим охирларида францияликларда ҳам, аргентиналикларда ҳам ўйинда ғалаба козониши учун кулай имконият бўлди. Лекин футбол адолати ўйин ҳақиқарли яқунланиши учун пенальтилар сериясини танлади.

Жаҳон чемпионати финалларида илгари ҳам пенальтилар серияси бўлган. 1994 йилги финалда Бразилия ва Италия ўртасида учрашув 0:0 хисоби қайд этилган ва пенальтилар сериясида бразилияликлар 3:2 хисобида ғалаба қозонган. 2006 йилги чемпионат финалида Италия ва Франция тўқнаш келган. Асосий қўшимча бўлимларда 1:1 хисоби билан тугаган, пенальтилар сериясида италияликлар устун келди – 5:3. Бу нохуш пенальтилар сериясини францияликлар давом эттиришини ҳали билмасдик.

Аргентина ва Франция ўртасидаги финал учрашувининг пенальтилар серияси бошланди. Тўғга Мбаппе яқинлашди. У ўйин вақтида икки бор пенальтини аниқ бажарганди. Учинчи пенальтиси ҳам аниқ. Тўғга Месси яқинлашди ва у ҳам пенальтини голга айлантириди. Бу серияда бурилиш нуктаси бўлди. Иккинчи бўлиб тўғга яқинлашган франциялик канча кучли зарба бермасин аргентиналик дарвозабон Эмилиано Мартинес пенальтини қайтарди. Иккинчи бўлиб Мессининг издоши хисобланадиган Пауло Дибала тўпни белгиланган жойга ўрнатди. Ушу

қадар ажойиб гол киритди, бу французларнинг асаб торларини таранглаштириди ва учинчи бўлиб пенальтини бажарган франциялик тегган тўп хато кетди. Кейнинг икки пенальти аниқ бажарилди. Тўртнчи бўлиб тўпга яқинлашган Аргентинанинг ёш иктидори Энцо Фернандес ўйинга ғалабали якун ясади – 4:2. Аргентина – жаҳон чемпиони! Месси – жаҳон чемпиони!..

Лио бу жаҳон чемпионатида қатор рекордларни ўрнатди. Жаҳон чемпионати финал қисмида энг кўп ўйин – 26 ўйин. Майдонда энг кўп харакатланган футболчи – 2217 дақика. Энг кўп самарали ҳаракат – 13 гол, 7 голли узатма, жами 20 та. У 13 гол билан тўпурарлар каторида Клозе(Германия, 16 гол), Роналдо(Бразилия, 15 гол), Мюллер(Германия, 14 гол)дан кейин франциялик Фонтан билан биргаликда 4-5-ўринлардан жой олди. Ўйинларнинг энг кўп яхши футболчиси – 11 марта. Албатта, бу рекордлар яна кўпайди.

Биз Мессини канча олқишиласақ, Аргентина терма жамоаси бош мураббийи Лионел Скалонини ҳам шунча шарафлассак арзиди. У ёш бўлишига қарамасдан терма жамоани жаҳон чемпионатига муносиб тайёрлай олди. Жамоа унинг кўл остида Америка кубоги ва жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида тўла шаклланди. Мураббий ҳар бир ўйинга тўғри тактика танлади ва керакли футbolchilarни туширди. Финал ўйинини олинг, Ди Мария асосий таркибида ўйинни бошлади. У пенальти ишлади ва гол урди. Ди Мария вазифасини бажаргач, мураббий унинг ўрнига бошкада жаҳон чемпионати тушиди.

Олтин кубокни топширишдан олдин жаҳон чемпионатининг шахсий совринлари топширилди: “Умидли ёш футболчи” соврини – Энцо Фернандес (Аргентина). “Олтин кўлқоп” соврини – Эмилиано Мартинес (Аргентина). Тўпурар учун соврин – Клиан Мбаппе (Франция, 8 гол). Жаҳон чемпионатининг янг яхши футболчиси Лионель Месси (Аргентина)! Шундан кейин францияликларга кумуш, аргентиналикларга олтин медаллар топширилди. Жамоа сардори Мессига ташкилотчilar томонидан зарбоф тўн кийдирилди ва Олтин кубок тақдим этилди. Доха осмонида мушаклар порлади. Бу мушаклар Аргентина ва Месси чемпионлигини шарафлаши учун пенальтилар сериясини танлади.

Биринчилардан бўлиб футбол кироли Пеле табрик йўллади: “Месси ўзининг биринчи жаҳон чемпионатида ғалаба қозонди, у бунга лойиқdir. Аргентинани табриклайман. Ҳозир Мародона табассум қилмоқда”. Бундай табриклар давом этмоқда. Улар шундай мактоб тўн кийдирилди ва Олтин кубок тақдим этилди. Доха осмонида мушаклар порлади. Бу мушаклар Аргентина ва Месси чемпионлигини шарафлаши учун пенальтилар сериясида ишлади.

2026 йилда жаҳон чемпионати АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида бўлиб ўтади. Унда 32 та эмас, 48 та терма жамоа қатнашиши белгиланган. Яхши ният – келгуси жаҳон чемпионатида юртимиз миллий терма жамоасини кўрамиз. Ҳақиқий футbolchinинг орзуси жаҳон чемпионати финал қисмида қатнашиш бўлганидай, футbol ҳақиқий муҳлиси орзуси юрти миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал қисмидаги ажойиб ўйинларини кўришидир. Юртимизда эса футbolnинг ҳақиқий мухлислари кўп. Умидимиз шуки, уларнинг орзуси албатта ушалади.

**Асрор МҮМИН,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —  
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош мухаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1208

Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.

Майлумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

# Боланинг ривожланиши учун қаер яхши: УЙМИ ЁКИ БОГЧА?

**(Боши 1-саҳифада)**

Демак, бу ерда болаларнинг асосий қисми давлат ва оиласавий боғчаларга қатнайди. Масъулнинг маълумотига таянадиган бўлсак, уларда нопедагог кадрлар деярли қолмаган. Борлари ҳам ишдан ажралмаган ҳолда қайта тайёрлов курсларида ўқимоқда.

Рақам ва ҳисоботлар ўз йўлига. Тумандаги мактабгача таълим муассасаларида асл ҳолат қандай? Буни аниқлаш учун ҳар тўрт турдаги боғчаларда бўлиб, улардаги таълим-тарбия жараёни, болалар ва ота-оналарнинг кайфиятини ўргандик.

## 30 БОЛАНИ БИР НАФАР ТАРБИЯЧИ ЭПЛАЙ ОЛМАЙДИ

Маданият махалласида жойлашган 17-давлат мактабгача таълим ташкилотида 112 нафар бола 4 та гурухда тарбияланади. 5 нафар тарбиячи бор. Биз мактабгача тайёрлов гурухига кириб, машғулотларни кузатдик. “Ноннинг ушоғи ҳам нон” мавзусидаги машғулотга болажонлар нон ҳақидаги шеърларни ёд олиб келишибди. Аҳамиятлиси, уларнинг барчаси дарсда фаол қатнашти, меҳмонлар билан саломлашиш, катталарга йўл бериш, хайрлашиш одобидан ҳам яхши хабардор. Аммо барабир баъзи ҳолатлар эътиборимиздан четда қолмади. Мисол, аксарият болалар “Катта бўлсанг, ким бўлсан?” “Қайси фан сенга кўпроқ ёқади?”, деган оддий саволларимизга жавоб беришга қийналди. Аксинча, “Сизга боғчанинг нимаси ёқади?”, деган саволга бир овоздан “Ўйнаш ва сайр килиш”, деган жавобни олдик. Болаларнинг фаол бўлиши яхши, бироқ уларни ҳаётнинг кейинги босқичига тайёрлаш, иқтидорини тўғри ўйналтириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Ана шу вазиятда боғчаларда кузатилидиган бир муаммо кўзга ташланади. Қайси дейсизми? Масалан, 17-ДМТТ-даги биз кузатган гурухда 29 нафар бола бор. Уларга бор-йўғи бир нафар тарбиячи ва унинг ёрдамчиси бириктирилган. Тажрибадан маълумки, тарбиячининг ёрдамчиси одатда шу гурухнинг фаррошлигини ҳам килади. Яъни, у таълим-тарбия жараёнда деярли иштирик этмайди. Демак, 29 нафар бола тарбиясининг уволиу савоби бир нафар тарбиячи зиммасида қолмоқда. Бундай мухитда ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш, унинг иқтидорини аниқлаб, рўёбга чиқариш мумкинми? Бунда педагогнинг дастурда белгиланган машғулотларни бекаму кўст ўтиши ҳам амримаҳол. Унутманг, гап мактаб ўқувчиси ёки институт талабалари ҳақида эмас, боғча болалари ҳақида кетяпти. Ота-оналарнинг ўзи ҳам бу ёшда болаларнинг диккатини жамлаш, тартибга ўргатиш канчалар қийин эканлигини яхши билишади.

– Пандемия даврида бир гурухга факат 10-15 нафар бола қабул килишга рұхсат берилган эди, – дейди боғча директори Муборак Ривожева. – Ана шу оралиқда тарбиячиларимиз завқ билан ишлашди. Машғулотларнинг сифати, болаларнинг хулқи, мавзуларни ўзлаштириши ҳам сезиларни яхшиланган эди. Очигини айтиш керак, 30 нафар болала бир нафар тарбиячининг “кучи” ет-

майди. Бундай гурухларда икки нафар тарбиячи ҳам қийналиб қолади.

Ривожланган давлатлардаги боғчаларда ҳар 10 нафар болага тарбиячи ва ёрдамчи ажратилар экан. Агар гурухда 30 нафар бола бўлса, улар билан бир нафар тарбиячи ва уч нафар ёрдамчи шуғулланади. Бизда эса бунинг акси. Тойлок туманини қўя туриңг, Самарқанд шаҳрида бир гурухга 40 нафаргача бола қабул қилган боғчалар ҳам бор.

Маданият махалласига қайтсан, бу ерда давлат боғчасидан ташкари 5 та оиласавий боғча ҳам бор экан. Демак, бу худуддаги болаларнинг асосий қисми оиласавий боғчаларга жойлаштирилган. Махалла фаолларидан болаларнинг мактабгача таълимга қарори ҳақида маълумот олмоқчи бўлдик. Бироқ маҳалла марказига бориб, ҳеч кимни топа олмадик. Кейинроқ етиб келган маҳалла хотин-қизлар фаоли эса биз сўраган маълумотларга эга эмаслигини, унинг иши факат хотин-қизлар билан ишлаш эканлигини айтиб, ҳайратимизни ошириди. Раис маҳалла ишлари билан, профилактика инспектори жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланса, маҳалланинг болалари “етим” экандай!?

## ОИЛАВИЙ БОҒЧАЛАРДА ШАРОИТ ЯХШИ, АММО...

Кейинги йилларда оиласавий боғчаларнинг сони кескин ортди. Бу айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаси йўқ маҳаллалар, чекка қишлоқлардаги болаларни боғчаларга қамраб олишнинг энг осон ва қулай йўлига айланди. Хусусан, худуд жихатидан унча катта бўлмаган Тойлок туманининг ўзида уларнинг сони 138 тани ташкил этмоқда. Тўғрида, оиласавий боғча очиш тадбиркор учун ҳар томонлама фойдали бўлиб колди: оз эмас, кўп эмас, нақд 10 йил солиқ ва мажбурий ажратмалардан озод этиласан, болалар сонига қараб давлат субсидия беради, ходимларинг маошини ҳам давлат тўлайди. Сиздан факат ишни тўғри йўлга қўйиш ва болалар тақдирига виждан ёндашиб талаб килинади. Жавод Расуловнинг маълум қилишича, оиласавий боғчалардаги тарбиячи педагог мутахассислигига эга бўлиши шарт экан. Талаб шундай, акс ҳолда унга давлатдан ойлик ёзилмайди, дейилди.

Туманинг Чароғбон махалласидаги якка тартибдаги тадбиркор Дилафрўз Расуловага қарашли оиласавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти мисолида ҳолатни ўргандик. Дарҳақиқат, боғчадаги шароит ҳавас қиласа арзигулик, хоналари иссиқ (17-ДМТТда иситиш мавсуми бошланмаганлиги учун хоналар заҳ эди), болалар ўйнаши ва спорт билан шуғулланиши учун алоҳида майдончалар бор. Эътиборлиси, боғчани ташкил этган Дилафрўз опа педагог бўлиб, тарбиячиларни ҳам ўзи килар экан. Ота-оналар билан сухбатлашганимизда улар оиласавий боғчадаги таълим-тарбия жараёнидан қониқишини, шикояти йўқлигини айтишди.

– Даромадим маҳалладаги жамоат ишларидан эди, ҳозир ишсизман, – дейди оналардан бири. – Оиласавий шароитим оғирлиги сабабли ўглимни боғ-



бўлдик. Келишимиз болаларнинг кундузги уйқу вактига тўғри келганлиги сабабли тарбиячи билан сухбат қилдик. Очиги, унинг саволларимизга берган ўлда-жўлда жавобларидан қониқмадик, тарбиячининг иш журналини сўрадик. Аммо у хам номигагина юритилаётган экан. Бу биз ўрганган иккинчи оиласавий боғча эди. Қизиқ, тумандаги 138 та шу каби боғчадан яна нечтасида болалар тақдирига шундай муносабатда бўлинмоқда?

## ДАВЛАТ БИЛАН ШЕРИКЧИЛИКДА...

Туманинг Сочак махалласида жойлашган “Ширинтой болажонлар” давлат-хусусий шериклиқдаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти 75 ўринга мўлжалланган. Асосийси, бу муассасада 6 нафар педагог, 3 нафар ёрдамчи ва алоҳида методист ишлайди. Яъни, 25 нафар боладан иборат 3 гурухга 2 нафардан тарбиячи ва 1 нафардан ёрдамчи тўғри келади.

Рус тилига ихтисослаштирилган мазкур боғчага ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оила фарзандлари имтиёз асосида қабул килинган экан. Болажонлар бунда давлат дастуридаги машғулотлардан ташкари таэквондо спорти, мусиқа ва инглиз тили тўғракларига жалб қилинади.

– Мен мактабгача ёшдаги болалар гурухи билан ишлайман, – дейди олий маълумотли тарбиячи Наргиза Равшанова. – Машғулотларни асосан рус тилида ўтамиш. Ўзлаштиришида муаммо бўлаётган болалар билан алоҳида ишлаймиз. Бу ёшда улар мустақил бўлишга ўрганиши керак. Шу боис уларга турли ўйинлар орқали кунни қандай тақсимлаш, кўча-куйда ўзини қандай тутиш, бўш вактни қандай ўтказиш кераклигини ҳам ўргатиб борамиз.

Муассасадаги шароит диккатга сазовор. Асосийси, ота-оналардан олинадиган тўлов миқдори ҳам унчалик қиммат эмас: оддий оила учун 600 минг сўм, ижтимоий дафтарда турган оила фарзандлари учун 150 минг сўм. Бу фарзандингиз мактабгача бўлган даврда рус ва инглиз тилларини ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, учун сармоя ҳисобланади. Бироқ буни барча ота-оналар ҳам тушунмайди. Имконияти бўлса-да, турли баҳоналар билан фарзандини уйда олиб ўтирганлар кўп орамизда.

– Махалламизда давлат ва хусусийларини қўшиб ҳисоблаганда, 5 та боғча бор, – дейди “Сочак” махалла фуқаролар йигини раиси Муҳаммад Норматов. – Болаларни боғчага қамраб олиш борасида муаммо йўқ. Шунга қарамай, айрим ота-оналар боласини уйда олиб ўтирибди. Улар билан сухбатлашганимизда турли сабабларни кўрсатишади, пулим йўқ, дейдиганлари ҳам бор. Бир бола учун ойига 150 минг сўм тўлов нима дегани? Масаланинг иккинчи томони шундаки, фарзандини боғчага бермаган ота-онадан бири ишлай олмайди. Демак, у оиласига қўшимча даромад келтирмайди. Агар улар ҳам бирор ишнинг бошини тутганида, хусусий боғчага етадиган пулни топиши мумкин эди. Бу эса бола келажаги учун киритилган инвестиция дейилади. Боласини боғчага кўйиб, ўзи тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларимиз қанчада бўлганимизда бунга яна бир бор амин

– Айтисида шароитни таълимни ҳам шунда, – дейди у. – Мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналарига вазиятни тушунтиряпмиз. Лекин улар кунни билан ишда бўлишини, мактабдаги икки соатлик дарсдан кейин болага қараб турдиган одами йўқлигини айтишмоқда. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ, имкон қадар бу болалар билан алоҳида шуғулланишга ҳаракат килимиз.

Айтисида шароитни таълимни ҳам шунда, – дейди у. – Мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналарига вазиятни тушунтиряпмиз. Лекин улар кунни билан ишда бўлишини, мактабдаги икки соатлик дарсдан кейин болага қараб турдиган одами йўқлигини айтишмоқда. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ, имкон қадар бу болалар билан алоҳида шуғулланишга ҳаракат килимиз.

Юқорида кузатув ва ўрганишларимиз хуносалари, мутахассису ота-оналарнинг фикрларини баён қилдик. Мақсадимиз – қайсирид таълим муассасасини яхши, бошқасини ёмон дейиш эмас. Бундан ота-оналарнинг ўзи ҳам биздан кўра яхшироқ ҳабардор. Истагимиз, фарзандингиз учун нима яхши эканлигини билинг – уни уйда олиб ўтиришми ёки жамиятга қўшиш. Бола тарбиясида ҳар бир дақиқа ғанимат. Якуний хуносани ўзингиз берасиз, албатта.

**Аскар БАРОТОВ.**